



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (12.442)

Баҳоси эркин нарҳда



2013 йил —
Обод турмуш йили

КАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



МАМЛАКАТИМИЗДА



АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, Ички ишлар, Халқ таълими вазириликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ўзаро тотувлик ва баргиреклик муҳитини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эъти-

бор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳалла институти фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари фармони билан 2004 йилда жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, оила — маҳалла — таълим маскани ҳамкорлигини кенгайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш оилаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугун мамлакатимизда миллий-диний анъаналаримизни яхши биладиган, ҳаёт тажрибасига ва халқ орасида обрў-эътиборга эга 8 мингдан ортиқ маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Маълумки, ҳар йили юртимизга келадиган кўп сонли хорижий сайёҳлар ўлкамизнинг бой тарихий меросига, қадимий меъморчилик обидалари, гузал табият манзаралари, ўзбек халқининг асрлардан асрларга ўтиб келадиган урф-одат ва анъаналарига ошуфта бўлишади.

Эътироф

БЕРЛИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Европа жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси томонидан Берлин шаҳрида уюштирилган тақдимот маросимида ана шу фикр қайта-қайта тилга олинди. Берлин Меҳмонхона менежменти ва гастрономия коллежи билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Германиянинг ижтимоий-сиёсий, илм-фан ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, саноат тармоқларини техникавий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли саёй-ҳаракатлар тўғрисидаги атрафлича маълумотлар билан танишдилар.

Тадбир чоғида германиялик экспертлар сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Жумладан, Берлин меҳмонхоналар ва ресторанлар уюшмасининг президенти В.Вайланднинг қайд этишича, Ўзбекистон улкан сайёҳлик имкониятларига эгадир. «Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий мероси, сайёҳлик инфратузилмаси ҳақида тақдим этилган ахборотлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотгани баробарида, уларнинг аксариятида серкўёш ўлкангизда жойлашган қадим ва навқирон шаҳарларни ўз кўзи билан кўриш истаги пайдо бўлганига шубҳа қилмайман», деди у.

Берлин шаҳри Сенатининг вакили Ш.Алькер ҳам ушбу тадбир орқали Ўзбекистон ҳақидаги кўпгина зарур маълумотларга эга бўлгани ҳамда ўлкамизнинг бетакрор табиати чиройи, тарихий ва замонавий меъморчилик иншоотлари хусусидаги ахборотлар ўзида катта таассурот қолдирганини билдирди.

Берлин Меҳмонхона менежменти ва гастрономия коллежининг директори Д.Райхль таъкидлаганидек, мазкур тақдимот маросими Тошкент ва Берлин шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллик санасига ҳамроҳанг бўлди. Ўтган давр мобайнида икки пойтахт шаҳарлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг натижаларини юқори баҳолаб экан, Д.Райхль Ўзбекистонга сафар уюштириш, яъни Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва Тошкент сингари шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилиш ниятида эканлигини айтиб ўтди.

«Жаҳон» АА.
Берлин

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИОРЛАР ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида давлат мулкчини хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда хусусийлаштириш давлат мулкчини хусусий секторга топширишни ифода этиши ва ушбу жараён самарадорлигини ошириш, унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам бериши таъкидланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, 31 мингдан зиёд давлат корхонаси ва объектининг мулкчилик шаклини ўзгартиришга таъсир кўрсатди. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тадбир давомида журналистларга давлат мулкчини хусусий мулкдорларга сотишнинг очик-ошкоралигини таъминлайдиган хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, давлат активлари ва ҳўжалик субъектлари нисом жамғармасидаги акциялар пакетларини (улушлар) хусусий мулкка бериш, янги мулкчилик шакллари ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш услубларини жорий этишга доир тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мазкур идоранинг асосий вазифаларидан бири экани тушунтирилди.

Бу борада эришилган натижалар давлат мулкчини хусусийлаштириш жараёнининг самарадорлигидан далолат беради. Масалан, 55 давлат активи жорий йилнинг биринчи

ярим йилида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш шарти билан хусусий секторга топширилди. 28 объект нолга тенг харид қиймати бўйича сотилди. Янги корхоналар негизда 1,2 минг қўшимча иш ўрни яратилди.

Яна шунинг қайд этиш керакки, аниқ инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олган чет эллик инвесторлар ҳам мазкур объектларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этилди. Бунга сўнгги йилларда мамлакатимизнинг инвестиция сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида эришилди. Чунончи, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони чет эллик инвесторларга кенг имтиёз ва преференциялар тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг инвестиция мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи Н.Екубовнинг айтишича, фармонга биноан 2012 йилнинг иккинчи чорагидан солиқ

имтиёзлари қўлланилган иқтисодиёт тармоқлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар рўйхати кенгайтирилган. Замонавий корхона ташкил этиш учун самарасиз ишлаётган объектларни танлов ўтказмасдан нолга тенг харид қиймати бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини юқлаш ва тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан корхонанинг инвесторларга сотишга руҳсат берилгани ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Яна шунинг қайд этиш керакки, фармонда тасдиқланган тартибга биноан қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қўмита маълумотларига кўра, 2013 йилнинг биринчи чорагида умумий қиймати 243 миллион доллар ва 125 миллиард сўм бўлган инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан давлат активларининг олди-сотдиси бўйича 155 шартнома мониторинги амалга оширилди. Жорий йилда инвесторлар томонидан саккиз шартнома юзасидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилди. Замонавий тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш бўйича Хоразм вилоятидаги «UZTEX Show» қўшма корхонаси, Тошкентдаги «BF Textile Production» ва машиный техника ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича «Roison Electronics» масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 112-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Гулзор» номли болалар оромгоҳида «Гийёҳ-

вандлик — умр заволи» мавзuida соғломлаштириш спорт мусобақаси уюштирилди.

✓ **БУГУН** Чилонзор туманидаги 34-оилавий поликлиникада «Қонун устуворлиги» мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Сергели туманида Куролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тўлов контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бағишланган учрашув ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Республика ҳудудида фаолият юритаётган кам қувватли корхоналар, қурилиши тугалланмаган ва бўш турган объектлар ҳамда ер майдонларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар» мавзuida матбуот анжумани ўтказилади.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи Toyota Motor компанияси бутун жаҳон бўйлаб сотилган 185 мингтага яқин машинани қайтариб олишини маълум қилди. Бунга гидроқучайтиргичли рул бошқаруви тизимидаги носозликлар сабаб бўлган. Улар орасида Японияда савдога чиқарилган Witz автомобилларини ҳам ҳисобга олганда 123 мингта машина ва Европа мамлакатларига сотилган Toyota Waris русумдаги машиналари ҳам бўлган 46 мингта автоулов бор.

• Буюк Британия қироличаси Елизавета II, унинг синглиси малика Маргарет ва малика Диананинг байрам либосларидан иборат бўлган кўргазма Кенсингтон саройида очилди.

• 2012 йил октябрида «Сэнди» бўрони томонидан катта зарар етган Нью-Йорк ва Шимолий Американинг тимсоли ҳисобланмиш Озодлик ҳайкали бугун деярли тўққиз ойлик таъмирлаш ишларидан сўнг томоша қилиш учун очилди.

• Сураткаш Бэнжамин фон Вон ойнали рақамли фотоаппаратлар томонидан чиқариладиган товушлардан иборат мусикали композицияни тайёрлади. Композиция ушбу компаниянинг техникасидан ёзув пайтида фойдаланилганлиги учун «Nikon симфонияси» деб номланди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мусикали композицияни ёзиб олиш давомида умумий қиймати 30 минг АҚШ доллариллик ўн тўртта фотоаппаратдан фойдаланилди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Мана шу ўринда, юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) янги таҳририда 2012 йил 24 декабрда қабул қилиниши норма ижодкорлиги соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимиз 2010 йилнинг 12 ноябрыда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида «... Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблагани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асослангани ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлашга деб, алоҳида эътибор қаратганлари албатта аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши, норма ижодкорлиги соҳасида мавжуд бўлган тушунмовчиликларни бартараф этиб, ҳуқуқ нормаларини амалда тўғри татбиқ этиш учун замин яратиб берди десак, муболага бўлмайди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг аввалгиси билан фарқли томонларини қўйидагиларда қўришимиз мумкин:

Қонуннинг 5-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишлари ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар, қарорлар ва фармойишлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Шунингдек, Президент мамлакатда ислохотларни изчиллик билан олиб боришда ҳамда бозор муносабатларига босқинча-босқинч ўтиш даврида тезкор хусусиятдаги фармойиш шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиши мумкин. Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар натижасида бундай турдаги тезкор ҳужжатларни қабул қилишни даврнинг ўзи таъқозо этмоқда.

Қонуннинг 30-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланган. Янги таҳрирдаги Қонунда мазкур норманинг киритилиши билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши билан боғлиқ ноаниқликка барҳам берилди.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддаси ҳамда Қонуннинг 28-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Яъни ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қонуннинг 20-моддасида халқаро тажрибани ўрганиш тўғрисида янги норма киритилди. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлаштириш бошқа воситалари маълумотларини умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш норма ижодкорлигини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши муқаррар. Албатта бунда, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олинади, шунингдек қонун би-

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ ЖАМИЯТДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

лан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилади. Мазкур норма Қонунда белгиланмасдан олдин ҳам норма ижодкорлиги борасида амалда фойдаланиб келинаётган эди. Бироқ, бу норманинг Қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши нафақат тавсиявий характерга, балки мажбурий аҳамиятга эга бўлиб, қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қонуннинг 42-моддасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги «Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида, адлия органларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, қонунийликка қатъий риоя этилиши устида белгиланган тартибда самарали назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Юқоридаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат бошқаруви органлари, маҳал-

лий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, қонунийликка риоя этилишининг мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириши Қонуннинг 42-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати-га давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот бериши белгиланган бўлиб қўйилди.

Қонуннинг 22-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назарида ҳам таҳлилийнинг амалга оширилиши янги таҳрирдаги Қонунда аниқ белгиланган бўлиб қўйилди.

Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворисликни белгилловчи янги нормалар киритилди. Ушбу масалага оид ҳуқуқий ворислик фу-

қаролик ҳуқуқий муносабатлар доирасида ифода этилган. Хусусан, вазирлик, давлат қўмиталари ёки идоралар макомининг ўзгарилиши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

Меъёрий ҳужжатларни қабул қилган орган тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, уларнинг тарқатилиши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳақидаги масалалар унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори турувчи органга ўтishi Қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янги поғонага кўтаришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла намойён этишга ҳамда норма ижодкорлиги такомиллаштиришда хизмат қилишига ишончимиз комил.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, норма ижодкорлиги фаолияти жамиятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш учун йўл очиб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида давлат сиёсатини юритишга ёрдам беради.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар
Адлия бошқармаси бошлиғи

АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ФИДОЙИЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони маҳалла маслаҳатчиларига кўрсатилган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловидан кўзланган мақсад маслаҳатчилар фаолиятини атрофлича таҳлил этиш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишдан иборатдир.

Танловнинг туман, шаҳар ва вилоятлар босқичида ғолиб чиққан 14 нафар маслаҳатчи мамлакат босқичига йўлланма олди.

Танлов жараёнида иштирокчиларнинг фаолиятига оид кўрсаткичлари, эришилган ютуқлари қонунийлик, ошқоралик, адолатлилик каби тамойиллар асосида баҳоланди. Айни пайтда маслаҳатчиларнинг миллий қонунчилигимиз, хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларни билиши, сиёсий ва ҳуқуқий билими, дунёқарashi, ҳозиржавоблиги, тез ва оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига асосий эътибор қаратилди. Савол-жавоб орқали уларнинг маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, асл миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчам ўтказиш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг ол-

дини олиш борасидаги фикр ва қарашлари аниқланди.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Норхон Мирзаева биринчи ўринга лойиқ топилди. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани Халқобод шаҳарчаси 4-маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Арзайим Ризаева иккинчи, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Товули» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсарахон Ҳақимова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Президентимиз раҳнаомлигида маҳалла институти фаолиятида алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳа ходимларининг меҳнати муносиб тақдирланаётгани ишимиз ривожига муҳим омил бўлмоқда, – дейди танлов ғолиби Норхон Мирзаева. – Мазкур танлов ҳам ана шу эътиборнинг яна бир ифодасидир. Маҳалла-мизда 3,4 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ёшларнинг оила, Ватан олдидаги масъулиятини ошириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, айнақса, қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид ишларни изчил олиб бораёلمиз. Бу оилаларда, демакки, бутун маҳалламизда маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, асл миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчам ўтказиш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг ол-

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



ЭКСПОРТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир «Ўзбекенилсанаят» давлат акциядорлик компанияси тизими корхоналарида маҳсулот экспорти кўламининг ортиб бориши» мавзусига бағишланди.

Мамлакатимизда энгил саноатни ривожлантириш, тизимдаги корхоналарнинг фаолиятини яхшилаш, уларни модернизация қилиш, янги корхоналар ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларга кўрсатилган шарт-шароит ва имкониятлар ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши ва маҳсулот рақобатбардорлигининг ортишига хизмат қилмоқда. Натижада маҳсулот сифати кўтарилиб, экспорт миқдори ҳам ошмоқда.

«Ўзбекенилсанаят» давлат акциядорлик компанияси таркибига қарийб 300 га яқин корхона бўлиб, жорий йилнинг июнь ойига қадар ушбу корхоналарда 761,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шу билан бирга дунёнинг 50 га яқин мамлакатларига 344,4 миллион доллар миқдоридagi энгил саноат маҳсулотлари экспорт қилинди.

Таъкид этиш керакки, инвестициялар ва савдо вазирлигининг таъкид савдо компаниялари билан ҳамкорликда экспорт миқдори ва географиясини кенгайтириш борасида олиб борган ишлари натижасида Латин Америкаси давлатлари, Финляндия, Канада, Саудия Арабистони, Африканинг бир қатор давлатлари, Швейцария, Австрия, Венгрия ва бошқа кўплаб давлатларга маҳсулотларни экспорт қилишга эришилди.

Компания бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М.Мансуровнинг айтишича, муқобил бозорларни аниқлаш мақсадида компания корхоналари ходимлари турли халқаро кўргазма ва ярмаркалар-

да иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, Россия, Болтиқбойи республикалари, Туркия ҳамда Малайзияда ўтказилган энгил саноат кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этиб, шартномалар тўзилишига эришилди. Йирик экспорт корхоналар томонидан Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Осиё давлатларида жами қирқдан зиёд дилерлик тузилмалари фаолият юритмоқда.

Ўтган беш ой мобайнида компания корхоналарининг маҳсулот экспорти ҳажми кескин ортиб, умумий экспортнинг 35 фоизини ташкил этди. Бунинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олиб қарайдиган бўлса 20 фоиз кўп демакдир. Ярим тайёр маҳсулотлар бўлган иш-кавала ва трикотаж матонинг ички бозорга сотилиши ҳисобига тикув-трикотаж буюмлари экспорти 2 баробарга, пайпоқ буюмлари эса 1,2 баробарга кўпайди.

2013 йилнинг ўтган даври мобайнида компания тизимида 11 та корхона ишга туширилган бўлиб, йил якунига қадар бу кўрсаткичнинг 31 тага етказиш режалаштирилган. Ўйланган режа амалга оширилса 1700 та иш ўрни яратилади.

Анжуманда таъкидланганича, компания томонидан мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, янги корхоналар барпо этиш ҳамда замонавий кийим-кечакларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобида келажакда экспорт маҳсулотларини кўпайтириш мақсад қилинган.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Доимий комиссияларда ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари» бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълими муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўн тартибидagi масала юзасидан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши, Республика маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан олиб бориладиган ишлар ўрганиб чиқилди.

Унга кўра Халқ таълими бош бошқармаси ҳузуридаги «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги ҳудудий Жамоат кенгаши таркиби тузилиб, чора-тадбирлар режаси белгиланган бўлиб қўйилди.

Шунингдек, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлимлари ҳузуридаги туман Жамоат кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳудудий Жамоат кенгаши аъзоларини туманларга бериштириш тартиби тузилиб, уларга аниқ вазифалар топширилди. Барча туманлар жамоат кенгашларининг йиғилишлари тасдиқланган ҳафва асосида ўтказиб келинмоқда.

Таълим муассасаларида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолияти жонлантирилди. Ҳафталик пайшанба кунлари таълим муассасаларида «Ота-оналар кўни» сифатида белгиланиб, шу кунни ота-оналарнинг таълим муассасаси фаолияти, дарс жараёни ва бошқа ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишлари учун шароитлар яратилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг анжуманлар залида ўтказилган «Оила муқаддас даргоҳ» номи илмий-амалий конференцияда Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг бир қатор ўқувчилари иштирок этидилар. Ушбу конференцияда ўқувчилар томонидан чиқилган расмлардан иборат кўргазма ташкил этилди.

Шунингдек, қатор мактабларда воғга етмаган ўқувчи-ёшлар учун «Ақлга билим, қалбга маънавият» шиори остида семинар-тренинг тадбири ўтказилди. Ушбу тадбирлар ҳокимиятлар, прокуратура, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, ҳудудий маданият ва спорт ишлари бўлими ва бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилди.

Эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган уchrашув, суҳбат ва тушултириш ишларини ташкил этиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашда оиланинг ролини қучайтириш борасида бир қатор муайян ишлар олиб борилади.

Шу билан бир қаторда «Бир болага етти қўшни ота-она» шиори остида ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, ҳафталик жума кунлари ўтказилаётган маънавий кунлари, шунингдек, тарбиявий соатларда ўқувчилар билан маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, ёши улғу оналар ва отаоналар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Таълим муассасаларида олиб борилаётган дарс жараёнида, маънавий кунлари ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар, шунингдек «Биринчи кўнрок», «Сўнгги кўнрок», Навруз байрами ва бошқа байрамлар арафасида ўтказилган тадбирларда ёш авлодга халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган қадриятлари, эзгу-орзулари, жамиятимиз олдида қўйилган мақсад ва вазифалари далиллар асосида сингдириб келинмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг китобхонликка бўлган қизиқишларини ортириш, адабиёт фанига ва санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида «Ёшларнинг маънавий оламини бойитишда адабиёт ва санъатнинг ўрни» мавзуда семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институти, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълими муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижро учун барча таълим муассасаларига етказилди.

Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юрт тақдирини ҳақдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан тегин, баъдий етук қўшиқлар яратиш кўникмасини ҳосил қилиш; халқ ижодиёти дурдоналари, фольклор санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, урфларини келажакнинг ворислари бўлган ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида «Ягонасан муқаддас Ватан!» ҳамда «Барҳаёт анъаналар» кўрик-танловларининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Бундан ташқари йиғилишда Тошкент шаҳридаги барча 476 та маҳаллаларда жамоатчилик Кенгашлари тузилганлиги қайд этилиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан маҳаллалар қошида «Ота-оналар университети» ташкил этилганлиги таълим қилинди.

Шунингдек, маҳаллаларда «Соғлом турмуш тарзи тарғибдоримиз», «Гейхандилик ва унинг салбий оқибатлари» ва бошқа долзарб мавзуларда уchrашувлар ва суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Бу каби тадбирларда маҳалла фаоллари, хотин-қизлари билан биргаликда маҳалла ёшлари ҳам фаол иштирок этиб келаятганлиги эътиборлидир.

Шу кун ҳолатига кўра, барча маҳаллалар ҳудудларида жами 1841 та болалар майдончалари ташкил этилган бўлиб, мазкур майдончаларда 14392 нафар воғга етмаганлар спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланиб келаятганлиги қувонarli ҳолдир.

Шу билан бир қаторда йиғилишда Ота-оналар университети фаолиятини талаб даражасида шакллантириш, таълим муассасаларида, маҳаллаларда ибратли оилаларнинг таърибасини кенг ёйиш лозимлиги, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини талаб даражасига келтириш ва бу борада ҳар бир болага «Бу меннинг фарзандим» деб қараш, оила ва маҳалланинг ҳам масъулиятини ошириш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида алоҳида ютуқларга эришган Жамоат кенгашлари таърибасини кенг бўлими бошқаруви бўлими бошқармаси бошлиғи О.Орипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари К.Тўраев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бундан ташқари ёшлар билан ишлашда психологларнинг интерфал услубдаги машғулотларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, «Тенгдош-тенгдошга» усулида семинар-тренинглар ташкил қилиш, воғга етмаган қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш борасида диний кўмита вакиллари билан ҳамкорликда ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва ишларни янада фаоллаштириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қўн тартибидagi масалалар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Абдурахмонова, доимий комиссия раиси С.Тўробжонов, комиссия аъзолари Ж.Кулмухамедов, К.Шахринова, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Мамаджанов, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Ахитдинов, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари в.б С.Мирҳақимов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бўлими бошқармаси бошлиғи О.Орипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари К.Тўраев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда қўн тартибида қўриб чиқилган масалалар юзасидан доимий комиссия томонидан ваколати доирасида тегишли қарор қабул қилинди.

Тармоқдаги мавжуд шоши-
инч ва маълумотлар хизмат-
арининг рақамларига улашиш
чун 1 дан бошланадиган
«101», «102», «103» «104»,
1050» ва б.) рақамлари орқа-
и қўнғироқ қилишингизни
ўраймиз.

«Шарқ тароналари — 2013»

МУСИҚА — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЭЛЧИСИ

Инсон — оҳанглар ошувтаси. Сеҳрли наволарнинг яратувчиси ҳам, тингловчиси ва ҳайратланувчиси ҳам унинг ўзи. Инсонни олижаноб мақсадлар сари илҳомлантириш, ёруғ ҳаёллар сари бошлаш, эзгуликка даъват этишда мусиқанинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, мусиқа санъатисиз руҳий камолотга эришиб бўлмайди.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида бу жиҳатлар ўз ифодасини топишмоқда. Ушбу байрам жаҳон мусиқа санъатида кечаётган ижодий жараёнларни атрофича ўрганиш, таҳлил этиш имконини бераётди. Халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

«Шарқ тароналари» VII халқаро мусиқа фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлган Ўзбекистон халқ артисти Матлуба ДАДАБОВЕВА мазкур фестивал ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқимизни жаҳон халқлари мусиқа санъатида баҳраманд қилиш, ўз навбатида, бетақдор миллий санъатимизни жаҳонга намойиш этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. — Ушбу мусиқа байрамнинг ўсиб келаётган ёшларимизни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстлик, эзгулик, меҳр-муруват ришталарини мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамияти ҳам беқиёсдир. Шу боис «Шарқ тароналари»нинг жаҳон мусиқа оламиндаги нуфузи тобора ортиб бормоқда.

2009 йилда еттинчи марта ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида маком йўналишидаги «Ёлғиз» ашуласи ҳамда Собир Абдулла газали, Муҳаммаджон Мирзаев куйи билан «Кўзим шахлога тушди» кўшиғини ижро этганди. Бу кўшиқлар турли миллат ва элат вакилларининг олқишига сазовор бўлди. Бу, аввало, Шарқ мусиқасининг узвий ва ажралмас қисми бўлган ўзбек мумтоз кўшиқчилигининг жозибаси, сеҳри, бетақдорлиги билан боғлиқ. Мумтоз мусиқамиз киши руҳияти, кайфияти, маънавиятига ижобий таъсир ўтказувчи буюк қудратга эга. У инсонни покликка, эзгуликка, маънавий барнамолликка

даъват этади, тингловчини борлик, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш каби чуқур фалсафий мушоҳадага ундайди.

Мусиқий анжуманлар, концертларда «Насри ушшоқ», «Сарахбори дугоҳ», «Самарқанд ушшоғи», «Тошкент ироғи» каби мумтоз ашуаларимизни ижро этганимда уларнинг хорижийлар томонидан катта қизиқиш, эътибор ва эҳтиром билан тингланганини кўриб, шундай буюк ва муқаддас Ватан фарзанди эканимдан чексиз ғурур туяман.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида эришган муваффақиятим ижодий фаолиятимда алоҳида ажралиб туради. Сабаби, ҳар бир санъаткор ўз юртида ўтказилган нуфузли халқаро анжуманда ғолиб бўлишни чин дилдан истайди, улкан масъулият юкни ҳис этади.

Ушбу мусиқа анжумани халқимизнинг энг улуг, энг азиз айёми — Мустақиллик байрами арафасида ва айнан Самарқандда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Самарқанд шаҳри Шарқ мусиқаси, фалсафаси, шарқона маънавият, илм-маърифатга бўлган интилишларни ўзида муккасман этган дунё тамаддуни бешиқларидандир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига кўра, умуммиллий байрамимизга бағишланган тадбирлар «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori асосида ўтмоқда. Бу ҳаётий шior «Шарқ тароналари» фестивалининг ғоясига ҳам уйғун. Зеро, мустақиллик боис халқимиз ўз қадр-қимматини англаб етди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида халқимиз эришаётган ютуқлар, тинч, осуда, тўкин ва фаровон ҳаёти-

миз, қайта қадр топган анъана ва қадриятларимиз бор бўй-баста билан намойиш этилмоқда.

Мусиқа байрами арафасида Самарқанд янада кўркам, файзли ва обод, озода, мафтункор қиёфага киради. Истироҳат боғлари, биллур фавворалар, тўкин-сочин бозорлар, қадимий ва гўзал обидалар, ҳайотларимизнинг мамнун ва бахтиёр чеҳраси, таъбир жоиз бўлса, фақат Самарқандгагина хос ажиб маърифий муҳит фестивалга ўзгача шукҳ, кўтаринчилик бахш этади. Ушбу муҳит сабаб инсон қалбида энг эзгу, энг беғубор туйғулар инди. Ҳаёнда ўзбекона куй-кўшиқлар янграйверади. Қолаверса, Самарқанднинг ўзини нодир ва бетақдор, гўзал кўшиққа, ғоят мукаммал мусиқа асарига қиёслаш мумкин.

«Шарқ тароналари» сабаб кўлаб ўзбек санъаткорларининг икроси жаҳон мусиқа ихлосмандлари эътиборига тушди, кўшиқлари дунёга ёйилди. Фестиваль тўғрисида мамлакатларнинг хонандлари, бастакор ва санъатшунос олимлари билан яқин ижодий мулоқотда бўлди. Бундан шу юртининг бир санъаткори, санъатсевар фарзанди сифатида беҳад фахрланаман.

Мазкур фестивал турли қитъалар халқларига мансуб бадийий жамоларнинг миллий куй-кўшиқлари манзарасида инсониятни санъат воситасида тинчлик, тотувлик, инсонпарварлик, маънавий комиллик йўлида бирлаштирамоқда. Бугунги мураккаб замонда халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, тинч-тотув ва фаровон юрдагина санъаткорлар илҳом, завқ ва шукрона билан жўшиб куйлайди. Бунга Ўзбекистон санъаткорларининг ижоди ёрқин мисолдир.

Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди

Спорт янгилликлари

ТЕРМА ЖАМОАГА НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимизда сузиш бўйича мамлакат биринчилиги уюштирилди.

Ушбу спорт тури бўйича иқтидорли ёш спортчиларни яна бир карра мураббийлар кўригидан ўтказиш мақсадида ташкил этилган турнирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда юртимизнинг барча вилоятларидан келган умидли ёш спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Қувонарли томонни шундаки, эркин, баттерфляй ҳамда турли масофаларга сузиш бўйича мусобақаларда ғолибликка даъвогарлар сафи кенгайиб бораётганига ва совриндорлар сафида янги номлар пайдо бўлганлиги мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Дарвоқе, бу сафар ҳам Даниэл Тулупов ва Юлдуз Қўчқоровларнинг турли йўналишларда олтин медалларга эгалик қилганликлари Ўзбекистон терма жамоасида маҳоратли спортчилар кўпайиб бораётганлигини яна бир карра исботлаб берди.

Тез кунларда Испанияда сузиш бўйича халқаро турнир уюштирилади. Ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон чемпионатида совринли ўринларни эгаллаб зафар қучган ёш терма жамоа аъзолари юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Мурувватхон НОРМАМАНОВА

Мутахассис маслаҳати

ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Картошка қуяси — Phthorimaea operculella Zell картошка учун ўта хавфли бўлган карантин ҳашароти ҳисобланади. Европа, Осиё ва Америкада кенг тарқалган бўлиб, Россиянинг айрим шаҳарларида мавжуд.

Капалаги асосан очик ерларда ва омборхоналарда картошка ва тамаки маҳсулотига, личинкаси эса помидор, картошка, бақлажон ҳосилига, барглари, поясига зарар келтиради. Иқлимга осон мослашувчи бу ҳашарот, маҳсулотларни сақлаш даврида уларни ўта кучли зарарлайди. Натижада улар истеъмолга яроқсиз ҳолга келади. Қоронғи жойларда ғумбака айланади. Личинкалар барг билан озикланади, баргларида тўрлар тўқийди. Картошка ҳосилига (униб чиқувчи) кириб боради. Ёз ойларида яшаш даври 22-30 кун, қишда эса 2-4 ойга боради. Зарарланган ҳосилларда зарарқунанда қолдирган чуқур излар, тўқиган тўрларни сезиш мумкин.

Ушбу зарарқунанда тарқалган ҳудудлардан мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида бу турдаги барча ўсимликларни, улар етиштирилган жойларни, бозорларни, ушбу ўсимликлар сақланадиган омборхоналарни, маҳсулотни ташинида ишлатиладиган идишлар, транспорт воситалари, барчаси ўсимликлар карантини қоидаларига риоя қилган ҳолда назоратдан ўтказилади.

Ҳашарот аниқланган тақдирда, бромметил фумиганти билан зарарсизлантирилади.

Зоир ШОНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини чегара пунктининг етакчи давлат нозири

ОФК ПРЕЗИДЕНТИ: «ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, ЎЗБЕКЛАР ОСИЁ ФУТБОЛИ БАЙРОҒИНИ ЮКСАКЛАРГА КЎТАРА ОЛАДИЛАР!»

Футбол бўйича Туркияда давом этаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўзининг ёрқин ғалабалари билан миллионлаб мухлису мутахассисларни ҳайратта солмоқда.

Бугунги бор ҳақиқатни тан олайлик: Аҳмаджон Му-саев бош мураббийлигидаги ёшлар терма жамоамиз Туркияга ўзбек футбол мактаби қай даражада тараққий этиб бораётганлигини дунё аҳлига яна бир бора намойиш қилиш учун келганликлари Европада вице-чемпиони — Греция термаси билан бўлган ўйинда ҳам исботлади ва 3:1 ҳисобида зафар қучиб, миллионлаб футбол мухлисларимизга олам-олам шодлик улашди. Ушбу ғалаба Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига тарихда илк бор жаҳоннинг энг кучли саккиз термаси қаторига кириш имконини берди.

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати хабарига кўра, ОФК президенти Шайх Салмон бин Иброҳим ал-Халифа Туркияда ўтказилаётган ёшлар ўртасидаги 2013 йилги жаҳон чемпионати чорак финали йўлланмасини кўлга киритгани билан Ўзбекистон U-20 терма жамоасини ва ўзбек футбол жамоатчилигини табриклади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионати нимчорак финалида Грецияни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва энди чорак финал босқичида Францияга қарши тўп суради. Шайх Салмоннинг сўзларига кўра, ёш ўзбек футболчиларининг кўрсатган натижаси Осиё футбол оиласи кайфиятини жуда юқори кўтарган. «Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё футбол оиласи учун ғурур ва ифтихор вақтидир. Мен сизларни ва сизнинг барча мухлисларингизни ушбу фантастик муваффақият билан муборакбод этаман», — деди Шайх Салмон.

— «Ўзбекистонлик футболчилар сўнгги йилларда турли ёш тоифасидаги мусобақаларда етакчи ўринларни эгаллаб келишмоқда, жумладан, Эронда бўлиб ўтган 2012 йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатидаги ғалаба ҳам ўзбекистонликларнинг ўрни ортиб бораётганига яна бир далилдир. Мен Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига чорак финалда Францияга қарши ўтказиладиган учрашув олдидан барча яхши тилакларини билдириб қоламан. Ишончим комилки, ўзбеклар Осиё футбол байроғини юксакларга кўтариб оладилар», — деди ОФК президенти Шайх Салмон.

«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акция-дорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатҳоҳларида табиат кўйида хордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни тақдир қилиди.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2013 йил 2 майда №008283-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «HILOL SHIRINLIKARI» хусусий корхонаси (ИНН 30259261) тугатилади. Даволат эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомидида 905-41-82 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан жисмоний шахс Холбекова Мияс-сархон Камилжановна номига берилган 4-459/2010 реестр рақами ер кадастр ҳужжатида қўшиб берилган, 08.10.2010 йилдаги 3699 сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей томонидан 2009 йил 22 июлда Ходжаев Рустамходжа Алимджанович номига берилган №04639 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 5 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият ятади. Атмосферанинг ифлослашиши даражаси 1-3 фазда пасайиши тахмин қилин-кчаси — 19-21, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 5 июль кун ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат — 19-21, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г-741

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9220 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир АҚМАЛ АҚРОМОВ